

ADO LAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 51 (856) • 2011 йил, 8 декабрь, пайшанба

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!
Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуг сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганнинг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу мухташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улғайиб билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажagini, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётини, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни

ислох этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бекиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий ҳалқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужасам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенг-

лигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарт бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмни шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Тўртинчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Давоми 2-3-бетларда ➤



Эркин ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Давоми 3-бетда ➤

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улғайиб ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янода мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Конституциямиз байрами арафасида ўз фидокорона ва ибратли меҳнати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаб, шу мукофотларни топшириш мен учун катта шарафдир, — деди Ислам Каримов. — Бугун сизларни самимий қутлар эканман, сизнинг тимсолингизда Ватанимизнинг тараққиёти ва

равнақи, куч-қудратини ошириш, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтириш, тинчлик-осойишталиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида, бир сўз билан айтганда, кўп қиррали ҳаётимизнинг турли тармоқларида ўзининг ҳалол ва самарали меҳнати билан ўрнатилган бўлиб келаётган, истеъдоди, илмий ва ижодий фаолияти билан мамлакатимизда ном қозонган давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ватандошларимизни ҳам қойиб-бандошларимизга босиб муко-

рабод этгандай ўзимни ҳис қиламан.

Бу мукофотларнинг сиз, азиз юртдошларимизга Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик қутлуг ўйи кенг нишонланган йилда топширилганлигининг ўзи бугунги тантанамизни барчангиз учун унутилмас воқеага айлантиради.

Мамлакатимизнинг охириги йилларда юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдига турган эзгу мақсадларга етиш, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш йўлида, инсон ҳаёти ва келажаги учун энг муҳим бўлган ижтимоий соҳаларда, хусусан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишларда қўлга киритаётган натижалари бошқалар учун модел, ўзбекона қилиб айтганда, намуна сифатида тан олингани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Давоми 3-бетда ➤

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, турли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, экспертлар ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Фракция йиғилиши

Илёс САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Йиғилишда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чораларни амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодийнинг изчил ўсиши таъминланди.

Инновациялар иқтисодиётда муҳим ўрин тутмоқда



Хисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажмининг 6,8 фоизга, чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг 16,2 фоизга ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг 14,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва экспорт салоҳиятини ошириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида товарлар ва хизматлар экс-

порти 21,4 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Йиғилишда Давлат бюджетининг ҳаражат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағларининг самарадорлигини оширишга қаратилганлиги алоҳида эътироф этилди.

2011 йилнинг ўтган даври мобайнида янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳолининг иш

Давоми 4-бетда ➤

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Бешичидан. Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўпқатли иқтисодий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-таксимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттинчидан. Асосий Қонунимиз миллий ҳавфсизлик ва муҳофаза органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва ҳавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституцияда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қондалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Шу борада мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, “шок терапияси” деб аталган ислохотларни асосий равишда тезлаштиришнинг турли шаклларида воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.

Ўйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синновдан ўтган, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмакда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, янги ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодий тизимдаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгарилаётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва турар-жой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш давражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, авваламбор, шу юрда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамаддан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмалиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга, фахруғурур бағишлайди табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланидиган эркин иқтисодиётга асосланган очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган узок ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозориде рақобат тобора кўнайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлil бўлмасдан, ҳаволанишга бериладмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган ҳавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Ўйлайманки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз — Парламентимиз томонидан қабул қилинган **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси** моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узок истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократ-

лаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини толган ислохотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмунини билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлиши — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган энг ишларимизни ўзиде мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яққо ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар!

Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топан олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмунини ва амалий интилишларга айилдири боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, савоатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб этиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаолигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, **онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.**

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шунга ҳам тан олиш кераки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кеҳирган синов ва машаққатларни, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Авалло, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни қўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан тур-

ли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг олдида кеҳаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлиши собиқ Иттифокнинг пароканда бўлиши табиий-қонуний ва мантиқий ҳол деб баҳолашмаслик, бунинг сабабини авваламбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларнинг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвeстицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатларaro бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш кераки, **бундай бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.**

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишидир.

Биз учун гоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида **ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.**

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узок муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир руҳсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихи асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамокда ва **ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен тақор айтман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.**

Хурматли ўстлар! Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаби ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисмидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қондаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узокни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз янги ички маҳсулотни таркибиде ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолиимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургу бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолиимизнинг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозориде рақобат гоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шавқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалаларни мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назарда қараганда, аҳолиимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ортиқча, деб ўйлайман.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узок келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тўшунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган

давлат идоралари, ижтимоий ва давлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлича хулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг руҳсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишда янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайддан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик мuddати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қўйд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларини молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартибқоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чоратадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш кераки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли руҳсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу мuddат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, “битта дарча” тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни мuddао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарий 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмини ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шун қайд этиш лозимки, айни шу механизмни тадбирқозимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда хунармандчилик билан чеklangиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

◀ Давом. Боши 1-2-бетларда

Жорий йилнинг 9 оyi давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмининг кўпроги замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 оyi давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилганини ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 триллион АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваламбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан ҳамма нарса боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўринининг 610 миңдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, такрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор бери-

шингизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани аниқлатади.

Азиз юртдошлар! Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустақкам пойдевориға айланадиган, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратиб, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айна шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Шу борада яна бир муҳим ҳуло-

са. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчига айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз ўйи, ўз мулкни ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий хурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Мухтарам ватандошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилга ном

бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Авалло, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзуният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-бирдан муҳим, бир-бирдан зарур вазифалар кўплигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажagini аниқлаб, оила қуришни истаيدди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдикки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажagini ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институти янада мустақкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда **“Мустақкам оила йили”** деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан

— мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга “Мустақкам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айна шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институти ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалаға жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустақкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидagi ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларға кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олшимиз даркор — ана шундай савий-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваф-

фақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизға аён бўлиши даркор.

Учинчидан, “мустақкам оила” деган гоёнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифға ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустақкам оёққа туриб олиши учун елкадоқ бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги муҳим роли кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртинчидан, оилани янада мустақкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдидa турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, **оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чарғобони бўлган аёл зотининг**, опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим ва-

зифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизға мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гоёларға қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақкам фикриға эга, оқни қорадан ажратишға, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишға қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётға йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладики, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юрталари бўладики — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизға мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни кўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, тахликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан такрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизға албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг эзгу эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбға чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

Эркин ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати

◀ Давом. Боши 1-бетда

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкуми янграйдди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл — бугун халқорам ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизға янги мазмун бағишлайётган ислохотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йилларида эришаётган бетимсол ютуқларда Президентимиз Ислам

Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаган тамойиллар мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Бош қомусимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларға эришишнинг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитни яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайитиришға қаратилган комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қону-

ний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2012 йилни мамлакатимизда **“Мустақкам оила йили”** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан яқунланди.

ЎЗА
С.ЎРМОНОВ (ЎЗА)
ОЛОН СУРАТ

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

◀ Давом. Боши 1-бетда

Бундай эътироф миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир кишиға катта ғурур ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бунинг замирида, бунинг негизидa аввало халқимизнинг мардлиги, қатъият ва шижоати, меҳнати ва матонати ётгани барчамиз чуқур англаймиз ва яхши тушунамиз.

Шулар ҳақида сўз юритганда омилкор дехқон ва фермерларимизнинг фидойилиги, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимизнинг машаққатли меҳнати, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг сидқидилдан қилган хизматлари, тинчлигимиз посбонини бўлган жасур ҳарбийларимизнинг матонати учун ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар қандай мукофот авваламбор инсоннинг қадрини улуглаш,

унинг эл-юрт олдидagi муносиб хизматларини тақдирлаш демакдир. Тақдирлаш сўзининг негизидa аввало қадр деган маъно мужассам экани бежиз эмас, — деди Президентимиз Ислам Каримов. — Мен ҳозир сизларнинг юз-кўзингизға, чеҳрангизға боқиб, мустақиллигимизнинг энг улуг мақсади ҳам аслида инсон қадрини эъзозлаш, меҳнаткаш, олижаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат эканини ва бугун ана шундай ёруғ, эркин ва озод ҳаёт кеңириш барчамизға насиб этганини кезиш шукроналик ва мамнуният билан яна бир бор таъкидлашни истардим.

Менинг ниҳоят, менинг тилагим битта — кўксингизға ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизға буюрсин, ҳаёт йўлларингизда сизларға янги-янги куч-ғайрат бахш этсин.

Ўз меҳнати билан мана шундай қадр топиш, эл-юрт ардоғида бўлиш барчамизға ҳамиша насиб этсин. Қадрингиз ҳам, қаддингиз ҳам доимо баланд бўлсин. Барчангизға сихат-саломатлик, ишларингизға ривож, хонадонларингизға файзу барака тилайман, деди пировадидга Юртбошимиз.

Тақдирланганлар номидан сўзға

чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, “GM O‘zbekiston” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологаи Ҳасанбой Қосимов, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳибаси, академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси яққоҳон хонандаси Муножатхон Йўлчиева, санъат ва меъморчилик соҳасида иккинчи даражали давлат мукофоти соҳибси, расом Акмал Нур, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг “А-320” учувчилар отряди командири Владислав Аргов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали “Ахборот” информацион дастурлар муҳарририяти шарҳловчиси Муаттар Асқарова ушбу мукофотлар бундан буюн Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришға ундашни, янгидан-янги марраларни эгаллашға илҳомлантиришни таъкидладилар, юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

ЎЗА

Нуқтаи-назар

Бош Қомусимиз —

истиқлол мафқураси ғоялари сингдирилган миллий манфаатларимиз инъикоси

Мавлуда АХМЕДШАЕВА,
юридик фанлари доктори,
Лазиза НОМОЗОВА,
Қамола МИРШАЕВА,
ТДЮ талабалари.

Юртбошимиз Ислам Каримов "Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, форовон ҳаёт борпо этиш йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузаси ("Халқ сўзи" 2007 йил 8 декабрь)да таъкидлаганидек, "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёсасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тинимсизда шу халққа хос хусусият ва фазилатларини намоян эътиборини, унинг озали орзу-интилишини рўйбга чиқарадиган буюк кучни кўради".

Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари фуқароларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган сиёсатнинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилди. Масалан, Бош Қомусимиз — Конституциянинг бирор-бир моддаси йўқки, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлмас. Унинг муқаддима қисмидаёқ «**ҳозирги ва келажақ авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда**» деган иборанинг келтирилиши — Конституция, нафақат бугунги кун нуқтаи назаридан, балки, келажақ авлод, хусусан, ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради. "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланувчи 2-бўлимда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ҳамда конституцион қафолатлари тўғрисидаги қоидалар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Умумий қоидага кўра, мамлакатимиз фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Айниқса, ёшларга яратилган кўплаб имкониятлар қатори нафақат юртимизда, балки, чет мамлакатларда ҳам ўқиш ва

ишлаш имкони берилган. Масалан, Конституциянинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон фуқаролари республикамиз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисиди ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳамда уларга ҳомийлик кўрсатилиши тўла қафолатлаб қўйилган. Бу норма Ўзбекистон ташқирисиди фаолият олиб бораётган фуқароларимиз учун беқийс ғамхўрлик намунасидир. Айни кезде Конституциянинг 23-моддасида юртимизда фаолият олиб бораётган ёки таълим олаётган чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ифодаси сифатида демократик кадрият, анъана ва ижтимоий адолатни қарор топишида, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ҳамда миллий тотувликини таъминлашда бош омили. Унда мустақамлаб қўйилган қафолатларни ва ифода этилган нормаларни қандалик ҳаётимизда қарор топтириш, шубҳасиз, кексаю ёш — ҳар бир фуқародан ҳуқуқий фалонлики талаб қилади. Зотан, ҳуқуқий давлат қуришининг муҳим шарти, бу Асосий Қонунимизнинг учинчи бобида мустақамлаб қўйилган тамойил — Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (2010 йил, 12 ноябрь)даги маърузасида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам мазкур масалага катта эътибор қаратилди. Яъни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "**Мамлакатимизда демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир**".

Конституция устуворлиги шундаки, қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий актлар, жумладан, қонунлар унинг нормалари асосида бўлади. Зеро, Конституция устуворлиги қонун устуворлиги билан ўзаро боғлиқ. Жумладан, ҳар қандай давлат қонунчилик тизимини Асосий Қонун — Конституция устуворлиги яққол кўзга ташланадиган туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мазкур тамойил: "**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади**".

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамолат бирлашмалари, фуқаролар Конституцияси ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", — деб мустақамлаб қўйилган. 16-моддасида эса "**Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас**"лиги қайд этилади. Яъни, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги қатъий таъкидланган.

Алоҳида ургу билан таъкидлаш жоиз, Конституциямизда эътироф этилган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий кадрият экани бугунги кунда жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топтоқда. Мустақилликда ўтган 20 йил давомида адлия, суд-ҳуқуқ, прокуратура тизимини амалга оширилган кенг қамровли ислохотларни кўз олдинда келтириб кўринг: уларнинг ҳаммаси замирида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шаклланди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс таъкидлий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганлиги билан монандлаштирилди. Айни шу жиҳатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган соҳага оид қатор халқаро анжуманларда нуфузли экспертлар, хорижий мутахассислар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Яна бир жиҳат: ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизнинг рўйбга чиқишида дастуриямал бўлаётган Конституциямизда бой миллий ҳуқуқий меросимиз ва илғор хорижий Конституциявий таъриба ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари, нормалари тўла акс этган. Биргина мисол, унда маҳалла институтига Конституциявий мақом берилишининг ўзиёқ миллий ҳуқуқий меросимиз тўла акс этганидан далолат.

Хулосалаб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллий истиқлол мафқураси ғоялари сингдирилган миллий манфаатларимиз, истиқлолимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий қафолатидир.

Инновациялар иқтисодиётда муҳим ўрин тутмоқда

«Давоми. Боши 1-бетда»

Хусусан, автомобиль йўллари ва магистрал йўллари қуриш ва таъмирлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш лозимлиги, мазкур соҳада бажарилаётган ишлар кўлами ва сифати талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. — Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида белгирилган инновацияларни ривожлантириш ва уларни иқтисодиётга кенг жалб қилиш борасида жорий йилнинг 9 ойи давомида муайян ютуқларга эришилди, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг ўринбосари О.Парпиев.

— Ҳисобот даврида Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун бюджетдан ажратилган маблағ ҳажми 47,2 миллиард сўм (2010 йил 9 ойида — 37,2 миллиард сўм)ни ташкил этди. Нобай илмий объектлар, уларни сақлаш ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун ажратилган маблағ 4,42 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳўжалик юрттувчи субъектларга 18,6 миллиард сўмлик илмий хизмат-

лар кўрсатилган (2010 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 112 фоиз), яъни бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан соҳага шунча маблағ жалб этилди. Илмий маҳсулотлар экспорти режаси 115,3%га бажарилиб, 4,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилги инновацион ярмаркаларда тузилган шартномалар ҳисобига соҳага 11 миллиард сўм маблағ киритилди.

Шунингдек, маърузачи инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институти ва Олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот марказларидан ташқари бугунги кунда республикамизда 8 та ҳудудий инновацион марказлар ҳам фаолият юритадилди, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг ўринбосари О.Парпиев.

— Ҳисобот даврида Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун бюджетдан ажратилган маблағ ҳажми 47,2 миллиард сўм (2010 йил 9 ойида — 37,2 миллиард сўм)ни ташкил этди. Нобай илмий объектлар, уларни сақлаш ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун ажратилган маблағ 4,42 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳўжалик юрттувчи субъектларга 18,6 миллиард сўмлик илмий хизмат-

лар кўрсатилган (2010 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 112 фоиз), яъни бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан соҳага шунча маблағ жалб этилди. Илмий маҳсулотлар экспорти режаси 115,3%га бажарилиб, 4,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилги инновацион ярмаркаларда тузилган шартномалар ҳисобига соҳага 11 миллиард сўм маблағ киритилди.

Дарҳақиқат, инновацияга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш мақсадимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолаётган. Чунки айнан инновацияларга маҳсулотлар рақобатбардорлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги-янги имкониятларни вужудга келтиришга шaroит яратилади. Бир сўз билан айтганда, бугунга келиб, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланиши миллий иқтисодиётнинг тараққиёт ва рақобатбардорлиқ даражасини белгиловчи муҳим омилга айланган. Бу эса соҳани модернизациялаш, экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини янада бойитишни, шунингдек, Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида тақдим этилган Концепция талабларини қатъий амалга ошириш жараёнида мутаасадлар зиммасига улкан масъулият юклатмоқда.

Илгилги сўнггида қўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи-назари белгилаб олинди ҳамда тегишли қарори қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқларининг ишончли қафолати

Маҳаллада учрашув

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,
«Adolat» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалла аҳли билан учрашув ўтказди. Депутатлар, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳусусида атрофлича сўз борди.



Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, жаҳон ҳам-жамияти томонидан «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёни собитқадамлик билан давом эттирилмақда. Бу изчил ўзгариш ва янгиланишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқ қилувчи аҳамият касб этди.

— Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигини мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонламоқдамиз, — деди маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ҳабибулло Абдувалиев. — Ана шундай улуг кунда ифтихор билан айтиш мумкинки, унда мустақамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажақ манфаатларига жавоб берадиган қоида ва тамойиллар нақадар тўғри эканлиги амалда исботини кўрсатди. Бу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суръатлари юқорилиги, аҳоли фаровонлиги муттасил ортиб бораётганлиги, шахар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, янги-янги замонавий қиёфа касб этганлиги, демократик янгиланишлар тобора чуқурлашиб бораётганида ўзининг ёрқин ифодасини топтоқда.

бошқарувини демократлаштириш йўналишида илгари сурилган чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бутунлай янги бир давр бошланаётганлигини далиллади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда бугунги кунда мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотларни муваффақиятли бажаришда, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлашда Конституциямизга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи туғилди. Бу билан Бош Қомусимизнинг асосий мазмун-моҳиятига ҳеч қандай пулур етказилмади, у янада муқаммаллаштирилди. Янада аниқроқ айтишдан бўлса, унинг айрим жиҳатлари реал турмуш тарзига мослаштирилиб, юзага келиши кутилаётган янги мақсадлар тартибга солинди. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган юқоридиги ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустақамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Худойёр Маматов Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳияти ҳақида тадбир иштирокчиларига кенг тушунча берди:

— Мазкур китобни мутолаа қилган киши кўз ўнгидида мустақил мамлакатимиз истиқлолини мураккаб ва жонли тарихи, бу улуг неъматга эришиш йўлида олиб борилган қатъиятли курашлар, давлатимиз раҳбарининг жасоратли, узқини кўзловчи серқирра фаолиятини, собиқ тузум шароитидаёқ юртимизда мустақиллик ғоясининг шаклланиши, бу қадим орзу-интилган амалга ошиши қандай кечгани бугуннинг ўзида миллат тарихига бевосита дахлдор бўлиб қолган ноёб ҳужжатлар, аниқ ва таъсирчан фактлар, ҳаяжонли нуқта ва маърузалар мисолида ёрқин намоян бўлади.

Таъкидлангани, ушбу асар яқин ўтмишимизнинг ишончли, ноёб ва таъсирчан манбаси сифатида бугунги ёш авлодни, навқирон ўғил-қизларимизни, озода ва обод дийримиз шаън-шавакатини янада оширишга, миллат руҳини кўтаришга қодир фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда тенгсиз аҳамиятга эга.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда маҳалла аҳли ўзларини кизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Фуқаролар ҳимоя ва ҳомийликда

ёхуд чет мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги никоҳларнинг Конституциявий муҳофазаси ҳақида

Нилуфар РАҲМОНҚУЛОВА,
ТДЮ ўқитувчиси,
юридик фанлари номзоди,
Назолат ВАЛИЕВА,
талаба.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисиди ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди" деб белгиланган. Демак, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидан ташқириди бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши Конституцияда мустақамлаб қўйилган. Бу вазифани бажариш хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига юклатилган.

Дипломатик ваколатхоналарнинг вазифаси давлатлараро сиёсий алоқаларни ўрнатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишдан, яъни халқаро ҳуқуқий алоқаларни амалга оширишдан иборат бўлса, консуллик муассасаларининг вазифаси асосан, фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат, оилавий ва шу каби халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида консуллик муносабатлари 1993 йилда бир қатор чет мамлакатларда консуллик муассасаларини очиб тўғрисидаги келишувлар билан юзага кела бошлади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси, икки томонлама келишувлар ва шартномалар, 1996 йилги Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи Ишлар Вазирлигининг низоми ва йўриқномаларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда тузиладиган никоҳлари ҳам консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 203-модда 1-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра "Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг

фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси консуллик қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилади". Бундай никоҳлар "консуллик никоҳлари" деб номланади.

Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави 44-моддасининг 1-қисмига кўра: "Консул Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзди". Бу нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида консуллик муассасаларида тузилган никоҳ Ўзбекистон Республикаси ФХД бўлимида қайд этилиб, хусусан, никоҳни қайд этиш билан боғлиқ вазифаларини "ҳеч нарса консуллик муассаса жойлашган мамлакат қонун ва қоидаларига зид бўлмас"гина амалга оширади. Масалан, ўз давлатида қўп хотинлик йўлга қўйилган тақдирда ҳам консул Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган консуллик муассасаси ёки элчиликда биринчи хотинидан ёки эридан ажрашмаган фуқаронинг никоҳини қайд этиш ҳуқуқига эга эмас.

Демак, Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатда яшаётган ўз фуқаролари ўртасида қийинчиликсиз никоҳ тузилиши учун ҳуқуқий асосларни яратган ва ушбу муносабатларни амалга ошириш ваколати консуллик муассасаларига юклатилган.

қайд этилаётган мамлакатнинг ваколатли органларида қайд этилади.

Консуллик муассасасида қайд этилган никоҳлар консулнинг тайинланган мамлакат қонунчилиги асосида амалга оширилади, яъни никоҳ тузиш шартини ҳам, тартибни ҳам, никоҳнинг шакли ҳам консулни тайинлаган мамлакат моддий ва шу қаторда коллизия қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига асосан, консуллик муассасаси ёки элчилик ваколатли фуқаролари билан никоҳ қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди. Бу нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида консуллик муассасаларида тузилган никоҳ Ўзбекистон Республикаси ФХД бўлимида қайд этилиб, хусусан, никоҳни қайд этиш билан боғлиқ вазифаларини "ҳеч нарса консуллик муассаса жойлашган мамлакат қонун ва қоидаларига зид бўлмас"гина амалга оширади. Масалан, ўз давлатида қўп хотинлик йўлга қўйилган тақдирда ҳам консул Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган консуллик муассасаси ёки элчиликда биринчи хотинидан ёки эридан ажрашмаган фуқаронинг никоҳини қайд этиш ҳуқуқига эга эмас.

Демак, Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатда яшаётган ўз фуқаролари ўртасида қийинчиликсиз никоҳ тузилиши учун ҳуқуқий асосларни яратган ва ушбу муносабатларни амалга ошириш ваколати консуллик муассасаларига юклатилган.

Мустақиллигимиз рамзи, бахтимиз қомуси

Қомусимиз 19 йиллигига бағишланган тадбирлар

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий қонунидир. Бош Қомусимиз ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан мукамаллиги ва халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган меъёрларига мувофиқлиги билан юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан Конституциямизни ҳар томонлама ўрганиш ва унга қатъий амал қилиш ҳар доим ҳам долзарблигича қолади. Бош Қонунимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тадбирлар Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг жойлардаги барча ташкилотлари томонидан уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бекобод тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги қорхона ва муассасаларда "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ҳам йилгиланларда катта таассурот қолдирди.

Партия туман кенгаши раиси З.Сувонова иштирокчиларга Конституциямиз мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ҳаётида тутган бекиёс ўрни, унда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳар бир шахснинг жамият ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлашга, барча имконият ва салоҳиятини юзага чиқариб, ўзлигини намоён этишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади:

— Партиямиз томонидан илгари сурилаган гояларнинг рўёби ҳам ҳар жиҳатдан Бош Қомусимиз билан чамбарчас мувофиқлаштирилганлигини таъкидлади.

боғлиқ. Жумладан, Асосий Қонунимиз ҳар бир шахснинг ижодий-илмий изланишлар эркинлиги ҳуқуқини таъминлайди. Ўзбекистон "Адолат" СДП эса ана шундай конституциявий ҳуқуқ ва қафолатлардан унумли фойдаланаётган фуқаролар — электорат вакиллари ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

Ана шундай тадбирлардан бири партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият" шиори остида ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Ривож Ўтарбоев ва бошқа маърузачилар ўз сўзларида юртимизда Конституция-мизнинг нафақат ҳаётимиздаги юксак ўрни ва аҳамияти ҳақида, балки ҳар бир инсоннинг бахтли яшashi, тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, илм олиши, меҳнат қилиш ҳуқуқини тўла қафолатлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда мамлакатимизда яратилаётган ва қабул қилинаётган қонунларнинг бош негизи ҳам Конституция ҳисобланади. Шу боис, уни тўлиқ ўрганиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз...

Тадбир доирасида Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейи ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" кўрик-танловининг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг махсус дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқлари тўла қафолатланган бўлиб, бу борада барча шарт-шароитлар яратилганлиги, Конституция-миз юртимизда осойишталик ва тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров ўз чиқишида мустақиллигимиз рамзи, бахтимиз қомуси бўлган Конституциямизда фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топгани, фақат ва фақат инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонунларимизнинг қабул қилинишида Конституциямиз асосий вазифани ўтаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Конституция-мизда фуқароларнинг яшаш, меҳнат қилиш, мол-мулк эга-

си бўлиш, таълим олиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари қафолатлангани юртимизда инсонпарвар, демократик ислохотларнинг жадаллашувига кенг йўл очаётир.

Фракция аъзоси З.Ботирова ҳам мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топган хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар ва кексалар ҳуқуқ ва манфаатларининг қафолатлари хусусида сўз юритди.

— Конституциямизда халқимизга хос бўлган хислатлар — бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари, ўзгаларни ҳур-мат-иззат қилиш каби хусусиятларнинг акс этганини алоҳида таъкидламоқ жоиз, — деди фракция аъзоси Абдуқамол Раҳмонов. — Ўзбекистонда изчил ислохотлар самарали юқорида таъкидланган хусусиятларнинг ўз ифодасини топгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир доирасида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилаётган хизматчилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича ташкил этилган викторинада фаол иштирок этиб, голиб чиққанларга эсдалик совғалари ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг кўкрак нишони топширилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан Хива тумани партия ташкилоти ҳамда "Қамолот" ЁИХ ҳудудий бўлими ҳамкорлигида "Конституция — инсон ҳуқуқлари қафолати" деб номланган тадбир ташкил этилди.

Мазкур тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлашди.

— Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишнинг ўзига хос андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Эшметов. — Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга киришди. Миллий хусусиятлар ва аънаваларни инobatга олган ҳолда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатни аниқ принциплари ва йўналишларини белгилаб олди. Бу жараёнда бекамуқўст амалга оширишда, албатта, Конституция таянч бўлди.

Таъкидландики, демократик жамият қуриши ўз олдида мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний тус олиши ҳамда уни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ислохотларни амалга оширди. Айниқса, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, билим олиш ҳуқуқини қафолатлашда Конституция тамам тоши бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида ҳам "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолати" мавзусида таъкидландики, демократик жамият қуриши ўз олдида мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний тус олиши ҳамда уни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ислохотларни амалга оширди. Айниқса, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, билим олиш ҳуқуқини қафолатлашда Конституция тамам тоши бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

ликларининг асосий қафолати" эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Мустақил юртимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жамиятни демократиклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда химоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётир, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси Нурмамат Шодиев. — Ўтган йиллар мобайнида юртимизда демократик жамиятни барпо этишнинг ўзига хос модели яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида ҳар бир инсоннинг камолоти, эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Конституция-мизнинг мазмунини ташкил этиши таъкидланди. Асосий Қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирганлиги, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган тарихий қисқа давр мобайнида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида ўтказилаётган кенг қамровли ислохотлар маърузачилар томонидан кенг ёритиб берилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар ижодий саройида "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусида таъкидландики, демократик жамият қуриши ўз олдида мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний тус олиши ҳамда уни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ислохотларни амалга оширди. Айниқса, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, билим олиш ҳуқуқини қафолатлашда Конституция тамам тоши бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

— Конституцияни ўрганиш ва унинг мазмунини доимо ёдда сақлаш учун кўргазмали тарғибот воситаларининг ўрни катта деб ўйлайман, — дейди кўрик-танлов голиби М.Дадабоев. — Мен ўз ишимда Бош Қомусимиз ва унда илгари сурилган инсонпарварлик гояларини ифодалашга ҳаракат қилдим.

Кўрик-танлов голиблари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

"ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан барча юрtdошларимизни ва ҳамкасбларимизни мамний муборақбод этади!

Юртимиз доимо тинч, ҳаётимиз фаровон, йўлларимиз ҳаминша равои бўлсин!



Қалбларимизга байрамона кайфият, хонадонимизга қут-барока тилаймиз!


8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўни

Табрик

"НАВОИЙ АВТОСАВДО" МЧЖ жамоаси

барча ватандошларни
юртимиз истиқлоли ва
истиқболнинг кафолати бўлмиш
Конституция куни билан
муборакбод этади.

Қалбларимиз чексиз ғурур ва сурурга тўлган
мана шۇ қутлуғ кунда хонадонингизга
тинчлик-тотувлик,
фаровонлик ва тўқис бахт-саодат тилаймиз.



"URGANCH YOG" OAJ ЖАМОАСИ

Она Ватанимиз ободлиги,
иқтисодиётимиз барқарорлиги,
турмушимиз фаровонлиги йўлида
меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни мамлакатимизнинг

Асосий Қонуни —
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
19 йиллиги билан табриклайди!

Ватандошларимизни
байрам кайфияти ҳеч қачон
тарк этмасин.



8 Декабрь

«Ургум савдо»

КОМПЛЕКС МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ



Барча ватандошларимизни
Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 19 йиллик байрами

билан самимий қутлайди!

Юртимиз ҳар доим тинч,
осмонимиз мусаффо,
оиламиз фаровон,

дастурхонларимиз тўкин бўлсин!



Фуқаролар ва тадбиркорлар манфаатлари йўлида

Солиқ

Ваҳоб ШЕРҚЎЗИЕВ,
Учтепа туман Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ушбу соҳа вакиллари учун кенг имкониятлар, шунингдек, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар, хизматлар билан тўлдирish, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилли, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлан-тирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратди.

Хусусан, йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш йўналиши тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш

бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори ҳам фуқароларимиз ва тадбиркорлар учун

қилинаётган сай-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур қарорга асосан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилар ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташкил қилинишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларга нисбатан талабларини, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўловчи йўналиши бўйича бағажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларнинг барча турларига нисбатан ягона талабларни белгилаб берган. Бунга қўра ташиш ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгилари йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ҳисобланади.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб ту-

ришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда улар йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташишини амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбуриги белгиланган.

Ташкент шаҳар Учтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан мунтазам равишда ушбу йўналишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин айрим ҳолларда фуқаролар томонидан қонун бузилиш ҳоллари ҳам учирамоқда. Жумладан, ушбу йўналишда ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида 102 нафар жисмоний шахслар махсус лицензияга эга бўлмаган, ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан суд идоралари томонидан қонунда белгиланган таъсир чоралари қўлланилган ва бу борадаги назорат ишлари давом эттирилмоқда.

Кичик бизнес ривожини — иқтисодий ўсиш асоси

буни «Ўзмиллийбанк» Фарғона вилоят бўлими жамоасининг кенг жабҳали фаолиятида яққол кўриш мумкин

Реклама ўрнида

Д.ЖОЗИЛОВ.

Авалло муҳтасаргина маълумот:

Банк аҳолига янги ва қўлай хизмат турлари таклиф қилиш, уларнинг сифати, тезлиги ҳамда имтиёзлигини таъминлаш орқали ўз мижозлари сонини кун сайин ошириб бормоқда. 2011 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра жами мижозлар сони 31 363 нафарга етиб, шундан 7 585 нафари юридик, 23 778 таси жисмоний шахслар бўлди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 407 та хўжалиқ юритувчи субъектларга жами 19190,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 9100,8 миллион сўм ортик, демакдир. Шунинг эвазига 521 та янги иш ўринлари яратилди. Масалан, йилнинг ўтган ўн охирида (миллион сўм ҳисобидан): sanoatga 6032,1 сўм, қишлоқ хўжалигига — 4287,2, савдо ва воситачиликка — 4768,6, маиший хизмат кўрсатишга — 1609,3, бошқа тармоқларга 2492,8 сўм кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узок муддатли кредитлар улушини кўпайтириш рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Миллий банк Фарғона бўлими жамоаси қатор инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга эришганлиги ҳар қанча тахсинга лойик. Жумладан, «Хитой Давлат тараққиёт банки» маблағлари ҳисобидан 2011 йилнинг 10 ойи давомида 1 435,4 минг АҚШ долларини миқдорида 5 та лойиҳага кредит маблағлари ажратиш учун талаблар тушганди. Уларга биноан ХДТБ томонидан бугунгача 1314,5 минг АҚШ долларини ҳажмида маблағлар йўналтирилди.


Вилоятдаги мавжуд иқтисодий ноҳор корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш йўлида ҳам ибратга молик амалий ишлар олиб борилмоқда. Масалан, «Хумо-уч» акциядорлик жамияти негизида «Хумо тўқимачи» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, бугунгача унга 3104,0 миллион сўм инвестиция киритилди. «Свитс Интернешнл» қўшма корхонаси негизида эса «Кува қандолатлари» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, 988,0 миллион сўм сармоя билан таъминланди. «Риштон текс» ОАЖ негизидаги «Риштон тўқимачи» МЧЖга эса 100,0 миллион инвестиция киритилди.

Рақамлар: тадбиркорлик субъектларига банк бўлими томонидан жами 5099,0 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан микро-

кредит ажратиш ҳажми 1554,0 миллион сўмга кўпайганлигини кўрсатади. Шунингдек, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун жами 1108,5 миллион миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича кредит йўналтириш ўтган йилга нисбатан 107,5 миллион сўм кўп бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда иқтисодий инкирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг микроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суъратлари ҳамда иқтисодий тармоқлари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш — мазкур молия муассасаси ходимларининг мақсад-муддаосига айланган. Айниқса, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, sanoatning етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни, тадбиркорларни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашда банк жамоасига мамлакатимиз раҳбари Фармонлари ва ҳукумати-миз қарорлари катта дастуриламал бўлмоқда.

Президентимизнинг биргина «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ банк бўлими хўжалиқ юритувчи субъектларини 4737,8 миллион сўм кредит маблағлари билан молиялаштирди. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йилга нисбатан 2227,5 миллион сўмга зиёд бўлди. Давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар



тўғрисида»ги Қарорига кўра банк томонидан хўжалиқ юритувчи субъектларга 3363,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилгани ҳам мақтовга молик. Аҳолига замонавий сервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш бўйича эса 3582,0 миллион сўм кредит йўналтирилгани алоҳида ибратга лойик.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан Миллий банк томонидан айти шу субъектлар фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга имтиёзли шартларда молиявий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасини кенгайтириш жараёнида жадал бормоқда. Хусусан, янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Хорижий валютадаги энг яхши инвестиция лойиҳаси», «Тадбиркор аёллар орасида энг яхши бизнес-лойиҳа», «Оилавий тадбиркорликка оид энг яхши бизнес-лойиҳа» ва «Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси» номинациялари бўйича танлов эълон қилиниб, унда вилоят ҳудудидан 2 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Уларнинг соҳиблари — Кува туманида фаолият юритувчи «Султонобод Толмазор» масъулияти чекланган жамияти ва Риштон туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор «Ашуров Шарифжон» жамоалари бўлиши. Ҳар икки жамоа «Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси» ва «Оилавий тадбиркорликка оид энг яхши бизнес лойиҳаси» номинацияларида ғолиб чиқди.

Буларгина эмас, вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурга кўра 2011 йилда банк томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига шаҳар ҳамда туманларда иссиқхоналар ташкил қилиш учун жами 264,0 миллион сўм, паррандчилиқни ривожлантириш

учун эса 481,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тадбиркорликка жалб этиш ва истеъмол, ипотека, микрокредитлар ажратиш бўйича эса 2011 йилнинг 10 ойи давомида 642,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, 2011 йилда таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ҳар бир шаҳар ва тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўз корхоналарини очишга кўмаклашиш учун 430,0 миллион сўм имтиёзли молиявий хизматлар кўрсатилди.

Жамоа режасида жисмоний шахсларга Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарлари (маиший техника, мебель, қурилиш материаллари) сотиб олишлари учун истеъмол кредитлари ҳамда талабаларнинг олий ўқув юрти-ларида ўқишлари учун таълим кредитлари ажратиш ҳам кўзда тутилган.

Яна бир эътиборли жиҳати — «Ўзмиллий банк» Фарғона бўлими ва унинг жойлардаги филиалларида тадбиркорлик субъектлари учун «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Бу ерда уларга таклиф этилаётган банк хизмати турлари, кредит турлари, имтиёзли кредитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари-ю фармонлари тўғрисида батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу жараёнларда шубҳасиз, банкнинг малакали мутахассислари фаол иштирок этмоқдалар.

01 огоҳлантиради

Т. ИСМОИЛОВ,

ЁХБ 12-Ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отряди кичик инспектори сержант.

Олов — «тилсиз ёв»

Кутилмаган офат, фалокат ва тажовулардан юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мүлкни асраб-авайлаш — ҳар бир кишининг бурчи. Айниқса, оловдан. Бу вайронакор кучни жилволаш осон эмас. Айни ёнгин туфайли ҳар йили дунё бўйлаб, минглаб одамлар бошпанасиз қолади, юзлаб кишилар саломатлигиндан айрилади, оғир тан жароҳатлари олади, бировлар ҳаётдан кўз юмади. Катта-катта экин майдонлари, ўрмонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилотлар, муассасалар биналарида рўй берадиган ёнгинлар оқибатида иқтисодиётга катта миқдорда зиён етади.

Ана шундай нохуш ҳолларга барҳам бериш учун кеса-ю ёш — ҳар бир фуқаро ёнгинга қарши курашда фаол бўлса дафъатан келган «тилсиз ёв»ни жилволаш осон кечади. Шу нуқтаи-назардан республика-мизда шу йил 25 ноябрдан 25 декабрга Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан эълон қилинган «Ёнгин хавфсизлиги

олиғи» тадбири шу кунларда пухта ҳозирлик билан ўтмоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишлари олиб борилляпти. Учрашулардан маълум бўляптики, ҳали ҳамма ҳам ёнгин хавфсизлиги қоида-си талабларига эътибор билан қарамаёптилар. Содир бўлган аксарият ёнгин ҳодисаларини таҳлил қилар эканмиз, ҳар бир ёнгин шунчаки эмас, балки, айрим кишиларнинг лоқайдлиги, бепарворлиги билан рўй бормоқда. Айниқса, баъзи ота-оналар болаларни назоратсиз қолдириб, уларнинг олов билан ўйнашлари натижасида ёнгин ҳолатлари содир бўлаётганлиги ғоят ачинарлидир. Табиийки, гўдаклар ўз ўйинининг оқибатини тасаввур қила-олмайдилар.

Шунинг учун ота-оналар, маҳаллалар фаоллари ва уму-ман ёши катталар болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини доим ўргатиб боришлари керак. Шунда, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Ёнгин — фавуқлотда ҳодиса, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимизда.




Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

халқимизни 8 декабрь —
Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 19 йиллиги билан
мубораққод этади!

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо,
хонадонларимиз осойишта, тўқин бўлсин.
Байрамимиз қутлуғ бўлсин, азиз юрtdошлар!



8-dekabr - O'zbekiston
Respublikasi
konstitusiyasi kuni



Тозаликка нима етсин

Экология

Нуржамол НОРҚУЛОВА.

Ҳаммамизга маълум, чиқиндининг кўпайиши экологиянинг бузилишига, инсонлар саломатлигининг ёмонлашувига олиб келади. Шу сабабли жаҳоннинг ривожланган давлатларида чиқиндини қайта ишлаш борасида катта ишлар қилинмоқда.



Статистик маълумотларга қараганда, АҚШнинг йирик шаҳарларида ҳар бир фуқарога ўрта ҳисобда йилига 550 килограмм чиқинди тўғри келади. Бу — дунёдаги энг йирик кўрсаткич.

Сайёрамизни ифлослантириш бўйича кейинги ўрин Россия пойтахтига тегишли. Москва фуқаросининг бу борадаги кўрсаткичи 500 килограммга етган. Экологлар бир неча йилдан кейин Россия пойтахтидаги чиқинди тўплаш жойлари ўз имкониятларини ишлатиб бўлади, шундан кейин Москвани ҳақиқий чиқинди тоғлари эгаллаб олади, дейишмоқда. Мутахассислар ҳисобларига кўра, Москвада қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 15 фоизи ёқиб юборилади, 5-7 фоизи қайта ишланади, холос.

Европа мамлакатларида бу масалага жуда жиддий қаралади. Мисол учун, Германияда чиқиндининг 66 фоизи қайта ишланади. Қаттиқ маиший чиқиндининг ҳар бир тури учун алоҳида бочка ташкил этилган. Ҳар бир немис фуқароси ташлаб юборишдан олдин чиқиндини албатта тур турига қараб ажратиб чиқади. Чиқиндиларни ара-лаш ҳолда контейнерга ташлаётган фуқарони кўриб қолган полициячи унга жарима солиш ҳуқуқига эга.

Финляндияда чиқиндиларнинг деярли ҳаммаси қайта ишланади. Аҳоли чиқиндиларини (шиша, металл, қоғоз ва ҳоказо) алоҳида-алоҳида контейнерларга ташлашга мажбур. Барча супермаркетларда пластик бутилкалар ва пиво идишларини қабул қилиш

пунктлари ишлаб туради. Ташлаб юборилмаган йирик жиҳозлар, лампаларни эса фуқаролар шахсан махсус пунктларга олиб бориб топширишлари керак.

Голландияда чиқиндиларни алоҳида-алоҳида йиғишда фаоллик кўрсатган фуқароларга мол-мулк солиғи ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда қатор имтиёзлар берилади.

Швейцарияда ҳар бир фуқаро чиқиндини тур-турига қараб ажратиб чиқариши шарт. Бу ишни махсус полиция назорат қилиб туради. Полиция ҳатто машина ойнасидан сигарета қолдигини отиб юборган фуқарони ҳам судга беришга ҳақли.

Буюк Британияда 2000 йилдан бошлаб маиший ва саноат чиқиндиларининг ҳаммаси қайта ишлашга юборилмоқда.

Диққат, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарори-га асосан мамлакатимизда 25 ноябрдан 25 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Қарорда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий вазифалардан қилиб белгиланган.

Қуйида республикаимиз Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг Ташкент шаҳридаги 12-ХҲХО инспекторлари ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ техника воситаларидан фойдаланишни назорат этиш бўлими томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирлар ҳамда аҳолига тавсиялар ҳақида танишасиз.

Халқимизда «Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра» деб бежизга айтилмаган. Бу нақл замирида инсон доим хушёр ва эҳтиёткор бўлмоғи кераклиги уқтирилган. Дарвоқе, ҳар икки ҳолатда ҳам лоқайдликка бери-либ бўлмайди. Айниқса, халқ таълими муассасаларида кўпинча ўт билан ўйнаётган кич-кинтой фарзандларимизни тез-тез кўриб тураемиз. Улар кўзла-рига жозибали кўринган олов-нини хавфлилиги ва оғир оқибати-ни тасаввур қилишолмайди. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўт тарбиячиларнинг шахсий ибрати, уларнинг ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини мутассил назоратда тутишлари, ёнғиндан сақланиш ва ёнғинлар олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмаларни бериб боришлари зарур.

Энг аввало, мактабларда, болалар боғчаларида бирламчи ўқитувчи воситаларининг борлиги, биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходимлар бириктирилганлиги доимий назоратда бўлмоғи керак. Синфхоналардаги электр нуқталарининг соғлиги ва газда ишлайдиган иситиш мосламалари яроқли эканлиги вақти-вақти билан текширувдан ўтказиб турилмоғи лозим.

В.ОБИДОВ.

Олов билан боғлиқ кўнглисиз воқеаларнинг олдини олиш, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларга бепарво бўлмастик учун асосан нималарга эътибор бериш керак?

Бу саволга жавоб битта: хусусан, қиш мавсумида рўй бериши мумкин бўлган кўнглисизликлар олдини олиш учун шахсий уйлар дудбуронлари вақтида тозаланиши, электр ва газ мосламалари соғлиги доимий назорат қилиниши, ёш болаларни уйда назоратсиз қолдириб кетмаслик каби қоидаларга қатъий риоя этилиши зарур. Аҳолига, айниқса, газ плитасидан тўғри фойдаланиш ҳақида махсус йўриқнома берилиши, газ плиталари ўрнатилган хоналар тез-тез шамоллатиб турилиши керак. Газ, кумир ёқилмаган печкалар мўриси йилига камидан бир мартаба тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, газ тармоқларида резина шланглардан фойдаланиш асло мумкин эмас. Ана шу қоидаларга амал қилинса, ёнғин хавфсизлиги олди олинган бўлади.

Т.АБДУРАИМОВ.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши туфайли кўп жойларда иситиш печлари, жумладан, қўлбола иситиш печлари, спиралли иситгичлар, давлат стандартларига жавоб бермайдиган иситиш мосламаларидан фойдаланилмоқда. Бу эса нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бировимиз билсак-да, баъзан лоқайд қараб тураверамиз.

Фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришда фаол иштирок этишлари-ни тавсия қилган бўлардик. Ёнғин билан боғлиқ хавф-хатарлар олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларининг муқаддас бурчларини адо этишга ҳамиша тайёр. Айни кезде улар билан бирга ҳар бир фуқаро кундалик турмушимизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам фаол иштирок этишларини маслаҳат берамиз.

М.АКБАРОВА.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ техника воситаларидан фойдаланишни назорат этиш бўлими оғохлантиради:

Биласиз, одатда машина ҳайдаётган киши нияти — кўзланган манзилга тезда етиб олиши. Ана шундай шомша-шошарлик бир кунмас бир кун «кўза ҳар кун эмас, кунда синади» деганларидек, кўнглисизлик туғдириши мумкинлигини ҳаёлларига келтиришмайди.

Маълумки, машинанинг асосий ҳаракатлангирадиган қисми — ёниғи. Ёниғи (бензин, дизель ва табиий газ)га салгина эътиборсизлик қилинса, қутилмаганда ёнғин чиқиши ҳеч гапмас. Бундай пайтда ҳайдовчи машинасида

ёнғин ўчиргич бўлса-ку, яхши, бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши турган гап. Ёки машинанинг техник кўрик муддати анча ўтган бўлса, унинг электр қисмлари қизиқ кетиши натижасида, қисқа туташув содир бўлиб, нохуш воқеаларга олиб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Масалан, шу йил 3 август кунини Қашқадарё вилояти, Яқкабғ тумани Ҳисор фуқаролар йиғини худудидан ўтувчи М-39 Тошкент — Термиз йўлининг 420 километрида ҳаракатланаётган Шаҳрисабз туманида яшовчи В.Сайидназаровга тегишли «УАЗ-452» русумли автоуловда носоз электр симларининг қисқа туташуви натижасида автомобилнинг мотори ва салон қисми ёниб, ҳайдовчи алангадан тан-жароҳати олди ва шифохонага ётқизилди.

Бундай кўнглисиз ҳоллар сўнгги кунларда Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳам кузатилди.

Агар таҳлилларга мувожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикаимизда автомобиллар билан боғлиқ 451 та ёнғин оқибатида 36 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олди. Фуқаролар жами 880 миллион 379 минг 721 сўм миқдорда моддий зарар кўрди. Ёнғинларнинг деярли барчасига автомобиллардаги электр симларининг носозлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабаб бўлган.

Демак, ҳар бир ҳайдовчи ўз автомашинасини вақтида махсус кўриқдан ўтказиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари ва ўз автомобилларда доимо ёнғин ўчиргич воситалари олиб юришлари шарт.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Ташриф ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоял САЙФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамазоир
ҲУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,
Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан
ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 роқами билан рўйхатга олинган.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217

Ташриф нарҳи: 10000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3675.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.00
1 2 3 4 5



772091521004